

WAYS TO DIRECT HUMAN RESOURCES TO ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS

Ernazarov O. E.

Senior Lecturer, Department of Digital Economy, Samarkand State University

Annotation:

This article emphasizes the need for rapid reform of the economy in the context of globalization, as well as the fact that Uzbekistan has its own place on the world map as an independent state. At the same time, the implementation of important work on the formation of a free economy based on a market economy and the achievement of significant results have been studied as a topical issue. In particular, the growth rates of production, the development of infrastructure and its impact on the development of the economy were studied.

Keywords: entrepreneurship, business, market economy, income, profit, land, hectare, production, risk.

Иқтисодиёт глобаллашуви шароитида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш изчил давом этмоқда. Ўзбекистон жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олгандан кейинги тарихан қисқа давр ичида демократик жамият ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин иқтисодиётни шакллантириш йўлида аҳамиятли ишлар амалга оширилди ва салмоқли натижалар қўлга киритилди. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ва мақроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормокда.

Бунда ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чикилганлиги, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги мустаҳкам замин бўлмокда.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ва бизнес ҳақидаги тушунчалар, мақолалар, адабиётлар ўтган асрнинг 60-йилларининг ўрталарида пайдобўлган. Хусусий мулкчилик эса ўша пайтда сиёsat ва мафкурамиз учун бутунлай ёт нарса эди.

Тадбиркорлик тушунчасини ҳозирги маъносида биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбай деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) «Сиёсий иқтисод рисоласи» китобида (1803 й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг учумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

У Англия саноатининг муваффақиятини «инглиз тадбиркорлари истеъоди» таъминлаганинг таъкидлаган эди. Ж.Б. Сейнинг асосий тезисида маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар асосий фаолият кўрсатади дейилади. Ж.Б. Сейнинг фикрича, тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир. Тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади.

Қайд этиш лозимки, иқтисодиёт фанининг асосчилари тадбиркорлик шаклига кам эътибор берганлар. Тадбиркорлик фаолияти уларнинг илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил обьекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А. Смит (1723-1790) ва Д.Рикардо (1772-1823) иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи механизм деб қабул қилганлар. Ушбу механизмда ижодий тадбиркорликка ўрин йўқ эди. «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» (1776.) китобида А.Смит тадбиркор таърифига алоҳида эътибор берган эди. А.Смит фикрича, тадбиркор – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смит фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қиласиди. Бу ишлар, ўз навбатида, бозор тизими билан боғлиқ. Шу боис А.Смит бизларни бозор тизимининг марказий механизми – рақобат механизми билан таништиради.

Машҳур америкалик иқтисодчи Й. Шумпетер (1883-1950) ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси»^[1] китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбир-корлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: «Функцияси янги комбинацияларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаемиз».

Ўзбекистонда тадбиркорлик ва бизнес мустақиллик йилларида, яъни 90-йилларнинг бошларида фан тариқасида ўрганиш, уни ҳаётга татбиқ қилиш сифатида кириб кела бошлади.

Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида тадбиркорликка катта эътибор берган. У ўз ўйтларида “Ишбилармон, мардлик ва шиҷоат соҳиби, азми, қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг – минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир” деб, таъкидлаган эди.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос иқтисодий фаолиятдир. Бошқача қилиба ўтганда, яъни ижтимоий-иктисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айрбошлишни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга

боғлиқ. Кичик тадбиркорлик ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар орасида инфратузилма хизматини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

“Инфратузилма” сўзи лотин тилидан (*infrastructure*) таржима қилинганда “тузилмадан ташқарида” маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма моҳиятига қўйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: “инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинуви таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишида ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси”.

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Инфратузилма жуда кенг қармовли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига ҳар тарафлама хизмат кўрсатадиган хизмат тураларини яратиш билан боғлиқ.

Инфратузилма бўлинмалари ривожланиб боришидан кичик тадбиркорлик субъектлари катта манфаат кўради, негаки бундай бўлинмалар уларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Инфратузилма томонидан яратиладиган шароитларни ўз навбатида қуйидагicha туркумлаш мумкин:

- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи – моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш, ахборотни йифиши ва қайта ишлаш, убхгалтерия хизмати. Технологик, бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати ва боқшалар;
- Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари – ишчи ва хизматчиларнинг соғлигини, таълим олиши ва касбий тайёргарлигини, дам олишларини қўллаб-қувватлаш.

Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборат деб қараб келинган.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушкининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасизdir.

“Бизнес” – сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларнинг фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятиdir.

Бизнес – бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, сўнгра пул ишлаб топиш демакдир.

Тадбиркорлик ва бизнесга кириш учун инсонлар ўзларининг ички ва ташки имкониятларини чуқур ўрганишлари керак. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

1. Ўзидаги тадбиркорлик ва бизнес соҳасида билим ва қобилияти мавжудлиги.
2. Ўзининг шахсий маблағи ва мулки борлиги.
3. Оиласи унинг корхона очиш хақидаги режасини кўллаб-қувватлаши.
4. Дўстлари ва яқин қариндошлари маълум муддатга қарз бериб туриш имкониятлари.
5. Ўзи очмоқчи бўлган корхона учун бўш ернинг мавжудлиги.
6. Корхонада ишлаш учун атрофларда ишчи кучининг мавжудлиги.
7. Корхонага бориб келиш учун транспорт воситаларининг ва йўлнинг борлиги.

Юқоридаги имкониятлар бўлган тақдирда, тадбиркор қуидагиларга эътибор бериши талаб этилади.

1. Корхона ишлаб чиқараётган товарларга бозорларда талаб борлиги.
2. Бизнес ва маркетинг режасини ишлаб чиқиши.
3. Корхона жойлашган жойда атрофда шундай маҳсулатлар ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжудлиги, уларни ишлабчиқариш, молиявий, бозорлардаги савдо-сотик аҳволи.
4. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларга мижозларнинг борлиги уларнинг товарлар сифатига, нархига нисбатан талаби.

Тадбиркор корхона ишини ташкил қилишда қуидаги ишларни амалга ошириш керак:

1. Ўз корхонасида ишлайдиган ходимлар сонини ва сифатини аниқлаши ва танлов ўтказиши;
2. Ходимларнинг иш ҳақи ва рағбатлантириш йўлларини белгилаши;
3. Корхонанинг жойлашган жойи мижозлар учун қулайлиги;
4. Корхонанинг жойлашган жойи кенгайтиришга имкони бор ёки йўқлиги;
5. Корхона эгаси тадбиркорга қандай асбоб-ускуналар, хом-ашё ва материаллар кераклиги, улар қанча туришини ҳисоб-китоб қилиши.

Тадбиркор корхона очиб бизнесга киришда ҳисоб-китоб тизимини мукаммал тарзда йўлга қўйиши талаб этилади:

1. Тадбиркор бухгалтерия ҳисботи, банк иши, банқдан мақсадли кредит олиш, уни ўз вақтида қайтариш ва бошқа молиявий жараёнларни чукур таҳлил қилиш, булар ҳақида билим ва тажрибаларга эга бўлиши талаб қилинади;
2. Бизнес режа ишлаб чиқиш ва унга оғишмай амал қилиши;
3. Тадбиркор ўз корхонасига ривожланган мамлакатлар илғор технологияларини ўрганиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиши;
4. Ишлаб чиқараётган товарларни чет мамлакатларга экспорт қилиш учун тинмай иш олиб бориши.

Тадбиркорлик ва бизнесга киришда Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги бир неча кишиларнинг иш фаолиятини мисол келтириш мумкин: Ҳ.Олимжон агро фирмасидаги

Шуҳрат Ражабов олдин 5 гектар ерда фермер хўжалиги очиб иш бошлади. Сўнг туман агро банкидан 200 млн. сўм кредит олиб, фермер хўжалигига трактор, тележка, юк автомашинаси сотиб олди. Сўнг фермер хўжалигини кенгайтириб, биринчи навбатда ерини 10 гектарга кейин эса 40 гектарга кенгайтириди.

Ўтган 2015 йилда банқдан 2 млрд. сўм кредит олиб, Польша давлатидан 100 бош зотли корамол олиб келди. Ҳозирги пайтда чорва фермасида 300 бош қорамолни парвариш қилмоқда. Ҳозирги пайтда корхонасида 50 иш ўрни яратилган. Ўтган 2018-2019 йиллар мобайнида като қурилиш ободончилик ишларини амалга ошириди.

Яна 2 гектар фойдаланмайётган ерда Супермаркет, чойхона, нонвойхона, сартарошхона, этикдўзлик, болалар боғчаси ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш жойлари ташкил қилинди. Ўтган 2019 йилда корхонанинг соф фойдаси 500 млн. сўмдан ошиб кетди.

Булунғур туманидаги Шавкат Очиловнинг тадбиркорлик фаолиятини мисол келтириш мумкин: Дастлаб Ш.Очилов тадбиркорлик ва бизнесга киришда кичик дўкончани ташкил қилиб, иш бошлади. Сўнг у кичик дўконни кенгайтириб, мини маркет дўконига айлантириди.

Ўтган 2019 йилда тадбиркор Булунғур туман ҳокимига мурожаат қилиб, 10 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилди. Банқдан 500 млн. сўм кредит олиб, корхонасига ҳар хил асбоб-ускуналар, трактор, юк машиналари, чорва моллари сотиб олди. Корхонани кенгайтириб, 2015 йилда 2 та супер маркет қурди. Фойдаланмайётган ердан 0,5 гектар ер олиб қурилиш моллари супермаркети қурди. Супермаркет ёнидан ошхона, сартарошхона, этикдўзлик, тиқувчилик, радиотехника устахонаси ва бошқа бир қанча аҳолига хизмат кўрсатадиган шахобчалар ташкил қилди.

Бунинг натижасида 30 нафар янги иш ўринлари барпо қилинди. Ўтган 2019 йил яқунларига қўра, тадбиркор Ш.Очилов корхонасининг соф даромади 800 млн. сўмни ташкил қилди. Агар ҳар бир инсон иш билармон, мард ва шижаот сохиби бўлса, қатъий, тадбиркор ва хушёр бўлса, ҳар бир ишнинг кўзини билиб ишласа, бизнесга мувафақиятли кира олади ва бу соҳада като ютуқларни қўлга киритади.

Тадбиркор бўлишни истайдиган кўп кишилар ишлаб турган корхонани сотиб олишдан кўра, ўзининг янги корхонасини тузишни маъқул йўл деб ҳисоблайдилар. Бундай ёндашув тадбиркорларга като ютуқ ва ғалабалар келтиради. Бу эса, като таваккалчиликларга қўл уриб, натижада като даромад ва фойда олишга эришади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1]. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи/ Ш.Мирзиёев. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-56 б.

- 2]. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –
хар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган
мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси.
2017 йил 16 январь, №11.
- 3]. Мирзиёев Ш.М.“Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт
тарққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
кабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидағи маъзуза.
- 4]. Mc Connell, Brue. Economics. 17 th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014.
- 5]. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7 th edition. Amazon, USA 2016.
- 6]. Й.Шумпетер. Теория экономического развития. М., 1982.
- 7]. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.
Т.: ТДИУ, 2010.
- 8]. Самадов А.Н., Останақулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Молия-иқтисод,
2008.
- 9]. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: худудий муаммолари ва ечимлари. –
Монография. СамИСИ. 2013.